ҲУРРИЯТ
Мустақил газета
1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

# БЕПУЛ ПИШЛОҚ – ҚОПҚОНДА!

**ОЛ-А!**

"Ўриксор" улгуржи бозорида оралаб юрганимда бир қошиқ сув билан ютиб юборса бўладиган қизгина қора жилдни очганча менга мурожаат қилди: "30-канал юбилейи муносабати билан ютқазишсиз лотерея олишни таклиф қиламан. Фақат битта лотерея оласиз ва у бепул!" Лотереянинг бепуллиги мени қизиқтириб қўйди ва иккита олмоқчи бўлдим. Қизгина "Йўқ, фақат битта оласиз, қоидаси шунақа", деди. Қиз: "Юзингизни эслаб қолдим. Энди марҳамат қилиб, мана бу ёққа юринг", деб мени ва лотерея олган бошқа бир йигитни бошлаб кетди. Биз беш-олти киши тўдалашиб турган жойга бордик. Пештахта ортида турган олифта йигит тўпланганларга ўйин қоидаларини эринмай тушунтира кетди. Биз йигит томонидан терилган олтиталик олти карточкани олишимиз ва ундаги бирдан олтигача бўлган сонларни қўшиб чиқишимиз керак эди. Мен ва бояги йигитники бирдай 23 сонини ташкил қилди. Бошқарувчи учта соврин ёзилган карточкани столга ташлади ва улардан бирини танлашимизни сўради. Улардан бири очилганида унга "Видеокамера" деб ёзилганлигини кўрдик!

Тўпланганлар "ў-ў-ў" деб юборишди.

Бошқарувчи йигит ўйинга яна икки кишини қўшиши мумкинлигини, аммо энди ўйинга қўшиладиганлар юз сўмдан пул тўлашлари лозимлигини айтди. Юз сўм эвазига ўйинга қўшиладиганлар дарров топила қолди. Бошқарувчи видеокамеранинг баҳоси уч юз минг сўмлиги ва унинг пули тўрт кишига тенг тақсимланиши, бунинг учун ҳар бир иштирокчи 15 фоиз, яъни 50 сўмлик ўзаро терим пули тўлашимизни айтди. Биз эллик сўмдан тўладик. Сўнгра яна ўйин қоидасига кўра юз сўмдан нимагадир тўлашимиз керак бўлиб қолди. Уни ҳам тўладик. Видеокамерага яқин қолган эди. Кейин ўйин қоидасига кўра беш юз сўмдан тўлаш навбати келди. Шунда бояги шеригим чидай олмади ва бу ўйинни ўйлаб чиқарганларнинг онаси билан қўшилиш истагини билдириб, даврадан чиқиб кетмоқчи бўлди. Аммо, даврадагиларнинг ярми бу ўйинни ўйлаб чиқарган биродарлардан экан ва ўз оналарига даъвогарни шундоқ қўйиб юборгилари келмади. Менда ҳам айнан шу истак борлигини билдирмай, даврада қолдирган юз эллик сўм пулимга рози бўлганча ўз йўлимга равона бўлдим. Ҳар ҳолда буни мақола қилиб ёзсам икки-уч бора кўпроқ қалам ҳақи олишим мумкинлиги дилимга таскин берди.

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**

# "БАНК НЕГА ЛОҚАЙДЛИК ҚИЛМОҚДА?"

## ("Ҳуррият", 1999 й. 40-сон)

Ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"и Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани "Турон" хусусий фирмаси бошлиғи О.Саидовнинг газетанинг 1999 йил 6-12 октябрь, 40-сонида чоп этилган "Банк нега лоқайдлик қилмоқда?" номли шикоят-мақоласи юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелидаги "Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига ҳамда 1999 йил 20 июлдаги 775-сонли "Тижорат банклари томонидан бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линиялари ҳисобидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш" тартибига асосан "Пахтабанк" барча турдаги банк хизматлари - банк кредитларидан бошлаб ўз вақтида ҳисоб-китоблар олиб бориш, маслаҳат бериш каби хизматларни амалга ошириб келмоқда.

"Пахтабанк" "Турон" хусусий фирмаси томонидан тақдим қилинган лойиҳани ўрганиб чиқиб, кичик нон цехини қуриш ва аҳолини нон маҳсулотлари билан таъминлаши учун 2 йил муддатга 1500 минг сўм миқдорида "Бизнес-фонд" маблағлари ҳисобидан кредит ажратишга қарор қилди ҳамда "Бизнес-фонд"га маблағ ажратиш учун бир неча маротаба мурожаат қилган. Яъни, "Бизнес-фонд"га 1999 йил 13 августда 11010/404, 26 августда 03т005/82 ва 3 сентябрда 03т005/101-сонли хатлар орқали маблағ сўраб мурожаат этганмиз, лекин бирорта хатимизга жавоб олганимиз йўқ. Шунга қарамай, 1999 йил 13 сентябрь куни Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган семинарда "Бизнес-фонд" раиси муовини А.Далиев тадбиркорларга маблағлар тўлиқ "Пахтабанк"ка ўтказиб берилган, дея асоссиз тушунтиришлар олиб борган.

Шундан келиб чиқиб, "Турон" хусусий фирмаси бошлиғи О.Саидов ушбу масалага ойдинлик киритиш юзасидан 1999 йил 23 сентябрда Пахтабанкка мурожаат қилган. Банк маъмурияти 1999 йил 5 октябрда О.Саидовга "Бизнес-фонд" томонидан маблағ эмас, ҳаттоки хатларига жавоб олгани йўқлиги тўғрисида хат жўнатган. Шунингдек, "Бизнес-фонд" маблағ ажратиш масаласини ҳал қилгач, банк томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилажаги алоҳида таъкидланган.

Демак, кўринадики, "Банк нега лоқайдлик қилмоқда?" номли мақолада банкимиз фаолиятига билдирилган танқидий фикрлар асоссиздир. Бундай ҳолатлар Банкимиз ҳамда мижозларимиз ўртасида ишончсизликлар келиб чиқишига олиб келади.

Шунга кўра, газета таҳрир ҳайъати ушбуни ўз саҳифасида чоп этиб, масалага ойдинлик киритса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**И.Р.ШАРИПОВ,**
**"Пахтабанк" бошқаруви раиси ўринбосари**

# ДАРОМАД МУҲИММИ ЁКИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ?

**ШИКОЯТ**

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Қорақамиш даҳасида бир қанча корхоналарнинг чорва териларини қайта ишлаш (ошлаш) цехлари ташкил қилинган. Бу цех ишчилари асосан тунгида ишлаб, кундуз кунлари эса терини қуритиш ишларини амалга оширади. Чорва моллари терисини қайта ишлаш технологиясида ўткир заҳарли кимёвий моддалар, яъни аммиак, хромник, палмалиндан фойдаланилишини кўпчилик яхши билса керак. Бундай заҳарли моддалар чиқиндилари атроф-муҳитга бадбўй ҳид таратиб инсонлар соғлиғига катта зарар етказади. Бизнинг даҳадаги мазкур цехлар атрофида эса, 54-болалар боғчаси, 165-ўрта мактаб, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар бўлиб, шу ерда яшовчи фуқаролар, айниқса гўдакларнинг саломатлигига жиддий хавф солмоқда.

Бундай нохуш воқеалар тўғрисида ўз вақтида туман ҳокимлигига, Республика табиатни муҳофазалаш қўмитасига мурожаат этилган эди. Минг афсуски, бу цехларнинг фаолиятига чек қўйилмади. Айримларининг манзиллари ўзгарди, айримлари эса вақтинчалик фаолиятини тўхтатиб турдилар, холос...

Юқорида санаб ўтилган корхоналар С.Раҳимов туманига иқтисодий жиҳатдан фойда келтираётган бўлиши мумкин. Лекин инсонлар тақдирини ким ўйлайди? Ўсимликлар оламининг келажаги нима бўлади? Бу хавф икки ярим миллионлик пойтахт аҳолиси саломатлигига зарар етказмайди, деб ким кафолат бера олади?

Шу кичик корхоналарнинг давлатга келтираётган фойдаси кўпми ёки келажак авлодга, экологияга ва инсонларнинг соғлиғига келтираётган зарарими?

Бу ҳақда бош қотираётган мард борми? Бўлса шу чоққача нега жим турибдилар?

**Т.ШАХИРОВ ва бошқалар**
**(Жами 12 имзо)**

# ЭЪТИБОРСИЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

## Беморларнинг ногиронлик ҳолатини аниқловчи муассаса биносининг "ногирон" аҳволи хусусида

**САВОЛ**

Қизириқ туманининг қоқ марказида, ҳокимият биносининг шундоққина ёнида ҳилвираб турган бино бор. Кўринишидан ташландиқ, кимсасиз жой дейсиз. Аслида ундай эмас. Худо кўрсатмасин, салгина силкиниш бўлса паққос ўпирилиб тушаман деб турган ана шу масканда ундай-бундай эмас, уч-тўрт туман аҳолисига хизмат кўрсатиб келаётган 7-сон тиббий меҳнат экспертиза комиссияси /ТМЭК/ жойлашган.

Ўтган йил кеч кузда тасодиф туфайли, йўл устида бирров кириб чиққандим бу ерга. Олис туманлардан йўл босиб келган ногирон беморлар навбат кутиб туришибди. Қоп-қоронғи йўлкада уларнинг чарчоқ ва ҳорғинлик кўпчиб турган юзларини аранг илғаш мумкин. Охирги бемор врачлар қабулига кириб чиққунича бино ҳовлиси ҳамда хоналарни айланиб, кўздан кечираман.

... Мана бу статистика ва ҳисобот хонаси. Бу ердаги компьютер мазкур бинога "замонавий" тус бериб турган ягона жиҳоз(Шунисига ҳам шукр). Қолган хоналар... Улардаги юмшоқ ва қаттиқ жиҳозларга қараб, бу "матоҳлар" камида ўн йил бурун "списание"га тушган, деб ўйлайсиз беихтиёр. Хоналардаги аҳволга қараб, шундай шароитда ишлаб турган тиббий ходимлар бардошига "балли" деб юборасиз.

Бинонинг ташқи томон деворларидаги ёриқ ва кўчган жойларни "ямаётган" усталарнинг биридан қайси қурилиш ташкилотидан эканлигини суриштирдим.

"Ҳеч қайси ташкилотдан эмасман - дейди уста, - врачлар билан келишиб ишлаяпман. Ҳар йили аҳвол шу. Бинони тубдан таъмирлаш керак. Қачонгача врачлар ўз чўнтагидан харажат қилишади, ҳайронман?!".

Буёғи қизиқ бўлди-ку. Шундай танг шароитда ишлаётганлари етмаганидек, наҳотки бинони таъмирлаш ҳам уларнинг гарданида бўлса?!

Қабул тугашидан сўнг суҳбатни шу мавзуда бошлаганимда ТМЭК бошлиғи Қаҳрамон Одинаевнинг фиғони кўкка ўрлади.

- Бизнинг дардимизни ҳам эшитадиганлар бор экан-ку! — дейди Қаҳрамон ака бош чайқаб. — "Ўзинг учун ўл, етим", деганларидек, биров дардингни эшитмагандан кейин бошқа иложимиз йўқ-да. Ростини айтсам, бинонинг аҳволига қараб қабулимизга келаётган беморлар олдида хижолат тортамиз. Ҳар йил ўзимиз оз-оздан пул йиғиб у ер-бу ерни яматган билан иш битмас экан. Баъзан ўз ихтиёрлари билан бир қоп цемент, бир қути бўёқ ёки бир сатил оҳакни кўтариб келган ҳомийлар ҳам чиқиб қолади. Шуларнинг кўмагидан бино ҳовлиси атрофини девор олиб дарвоза ўрнатдик.

Дарвоқе, қўлдан берганга қуш тўймас экан. Яқинда айнан шу муассасадаги аҳвол билан танишиш мақсадида яна Қизириққа бордим. Ўша кузда сувалган ямоқлар аллақачон кўчиб тушибди. Хоналар ва ички йўлка деворлари тагидан бир метрча баландликда шўр босгани учун бўёқ ва сувоқлар қўпорилган. Бу ер тиббиёт маскани бўлганидан буён ҳакимлар дам олиш хонаси ҳамда кутиш залидаги кароват, стуллар, чойшаб ва тоза ёпинғични умуман кўрган эмас.

Қаҳрамон ака Одинаев аслида ўз ишига масъулият билан қаровчи куюнчак инсон. У кишининг ҳатто кўнгли нозикроқ баъзи бир беморлар бу ердаги ноқулай шарт-шароитлардан киноя қилиб кетган ҳоллар бўлган экан. Ана шундан кейин ТМЭК бошлиғи вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси, туман ҳокимиятига бир неча бор бўзчининг мокисидек қатнаб бош уриб борди. Аммо, на у, на бу томон ТМЭК жойлашган бинони тубдан таъмирлаш, етарли шарт-шароит яратиш, юмшоқ жиҳозлар билан таъмирлаш муаммосини ҳал этишдек савоб ишга қўл уришни исташмаяпти.

Суҳбат асносида маълум бўлдики, тиббий меҳнат экспертиза комиссияси гуруҳи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси эмас, балки ижтимоий-таъминот бошқармаси тизимида бўлгани учун ҳам уларга ҳар жиҳатдан бегона кўз билан қаралар экан. Яъни, ТМЭК низомига кўра, комиссия ижтимоий-таъминот бошқармаси тизимида бўлса-да, комиссия жойлашган бино таъмири, жиҳозлар таъминоти маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилиши лозим. Аммо Қ.Одинаев қанча югуриб елмасин, Қизириқдек катта туманда ҳам, вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасида ҳам 7-сон туманлараро ТМЭК биносини тубдан таъмирлаш (ёки маъқулроқ жойга кўчириш), юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш, тиббиёт ходимлари, умуман, беморлар учун оддий шарт-шароит яратиш учун арзимас маблағ ҳам, имконият ҳам ҳанузгача топилмаяпти.

... Бу ёғини сўрасангиз, Қаҳрамон аканинг, у киши билан ишлаётган 3-4 нафар тиббиёт ходимларининг чўнтаклари бу йилги таъмир харажатларини кўтариши даргумон. Негаки, бу чўнтаклардан уйдаги 4-5 нафар қора кўзлар умидворлиги ҳаммага ҳам аён. Шундай экан, айтинг, айтинг, инсофни яна раҳбарларнинг ўзларига берсин.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Ҳуррият"нинг махсус мухбири**

# САБОҚ

Рукнни Карим БАҲРИЕВ тайёрлади

# ЖУРНАЛИСТНИНГ ҲУҚУҚИ ВА БУРЧИ

## Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуни

*(кўчирма)*

**1-модда. Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

## Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуни

*(кўчирма)*

**2-модда.Қонуннинг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Қонун давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг:

ахборотларни тўплаш, жамғариш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш ва рухсат этилмаган танишувдан сақлаш;

ахборот тизимларини, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотларни қайта ишлаш ва узатишнинг бошқа тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун бошқа қонунларнинг /оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ҳамда бошқа қонунларнинг/ таъсири остидаги ахборотга, ҳужжатлаштирилмаган ахборотга, шунингдек муаллифлик ва патент ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинадиган муносабатларга тааллуқли эмас.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзоси, халқаро ҳуқуқнинг субъектидир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси эътироф этиб, қўшилган ҳамда унинг парламенти ратификация қилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар мамлакат ҳудудида амал қилади.

Шу ўринда "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси"ни, "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт"ни ҳамда "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт"ни тилга олиш жоиздир.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

*(кўчирма)*

**19 - модда.**

*Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлиги ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъий назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.*

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ихтиёр этган экан, ҳуқуқий билимлар ҳар бир фуқарога зарурдир. **Журналистлар учун эса, шубҳасиз, ҳуқуқий маданият айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.** Оммавий ахборот воситалари кечаётган ислоҳотлар даврида, ўзлари мавжуд қонунчиликни билишларидан ташқари, халқнинг ҳуқуқий билимини оширишга ҳам хизмат қилишлари лозим. Қолаверса, халқ истиқлол берган қадр-қимматини, ҳуқуқларини айнан матбуот орқали самарали ҳимоя қила олади, ўзининг сиёсий иродасини матбуот кўмагида намоён қилади, фикр эркинлигига бўлган ҳуқуқини амалга оширади.

# ҲУРРИЯТга ЖАВОБ

# "КАТТА ХОНАДОНИНГИЗДАН БАРАКА ҚОЧМАСИН"

## ("Ҳуррият", 1999 й. 4 август)

Вилоят прокуратураси томонидан "Ҳуррият" газетасининг 1999 йил август сонида чоп этилган "Катта хонадонингиздан барака қочмасин" сарлавҳали мақоласи бўйича текшириш ўтказилди.

Текширишда аниқланишича, Пахтакор туманидаги А.Икромов номли хўжалик ҳудудида "Ашуров ва ўғли" номли фермер-хўжалиги туман ҳокимининг 1992 йил 7 майдаги 27-сонли қарори билан ташкил этилиб, 12 декабрдаги 123-сонли қарор билан 20 гектар ер майдони ажратилган. Ушбу ер майдони фаолият кўрсатиб келаётган Соимовлар оиласи ишлаб келаётган ширкат ер майдонидан ажратиб берилганлиги сабабли бу икки оила ўртасида ўзаро келишмовчиликлар вужудга келган.

Шундай бўлса-да, А.Икромов деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Р.Бектемиров, фуқаролар йиғини раиси О.Қўшбақова, Т.Ашурова раҳбарлигидаги фермер хўжалигига 50 йил муддатга ижарага берилишининг мақсадга мувофиқлиги юзасидан ўз ваколатлари доирасида тўғри фикр билдирмаганликлари натижасида туман ҳокимининг 1998 йил 20 ноябрдаги 386-сонли қарори билан И.Соимовлар оиласи ишлаб келаётган ер майдонидан яна қўшимча 50 гектар ер майдони ажратилган.

И.Соимовлар оиласи бундан норози бўлишиб, ўз навбатида турли идораларга ариза билан мурожаат қилганлар ва 50 гектар ер майдонига экилган ғалланинг 1999 йилги ҳосилини ўриб-йиғиб олиш пайтида икки оила ўртасида яна низо чиқиб, Т.Соимов 07.07.99 й. куни Т.Ашуровани уриб, енгил тан жароҳати етказади.

Ушбу ҳолат бўйича 25.07.99 й. куни Пахтакор туман ИИБ томонидан фуқаро Соимов Тўлқинга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда...

Туман прокуратураси томонидан мазкур аризалар юзасидан ўтказилган текширишларда туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, фуқаролар йиғини раислари томонидан икки оила ўртасидаги низоларни ҳал этиш чораларини кўришмаганликлари ва А.Икромов хўжалигида ҳамда Х.Соимов бошлиқ 8-бўлимида 13 гектар ер майдонини, 5 гектар тутзорни қаровсиз қолдириб, А.Икромов номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига 3858.0 минг сўм зарар етказганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат бўйича 24.06.99 йилда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 208-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Фермер хўжалиги фаолиятини назоратсиз қолдирганлиги, қайд этилган низони ўз вақтида ҳал этиш чораларини таъминламаганлиги учун деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А.Нариманов ва фуқаролар йиғини раиси О.Қўшбақовалар огоҳлантирилганлар.

Шунингдек, текшириш натижаси бўйича вилоят ер тузиш бошқармаси ходими И.Сангиров, туман бош ер тузувчиси К.Жўрабоев, "Ашуров ва ўғли" фермер хўжалигида ердан фойдаланиш қоидаларининг бузилганлиги ҳолатларини аниқлаб, тегишли чора кўрмаганлиги, туман статистика бўлими бошлиғи Ш.Эшбоев фермер хўжалиги томонидан топширилган статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини текширмаганлиги учун туман прокурорининг 12 апрелдаги қарори билан интизомий жавобгарликка тортилган, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилган.

Бу низони қонуний ҳал этиш чораларини кўриш учун туман прокуратураси томонидан туман ҳокимиятига таклиф киритилди.

**Н.ИСЛАМОВ,**
***Жиззах вилоят прокурори биринчи ўринбосари***



Кимнинг ширинлари?..

# 2 ХОНАЛИ УЙ + 11 ЖОН = ДАЪВОГАР

**АРЗ**

Икки йилдирки, оиламдаги ўн бир жон билан кўча-кўйда сарсон-саргардон яшаб юрибман. Ҳа, ҳа, оиламиз билан кўчадамиз.

Аслида туманимиз — Арнасой "Олтин водий" жамоа хўжалиги ҳудудига қарашли Ҳамза кўчаси, 8-уй, 1-хонадонда яшар эдик. Уй — биринчи қаватдан, икки хонали уй эди. Шунинг учун балконимиз ўрнига ҳам қўшимча хона қуриб, жами ўн бир жон шу ерда яшардик. Турмуш ўртоғим бундан беш йил муқаддам вафот этган. Шундан буён икки катта ўғлим билан амаллаб тирикчилик ўтказиб келаётганимиз учун ҳали ҳовли-жой ошинолганимиз йўқ. Бу ёғи бозор иқтисоди тирикчилигимизга ҳам тузуккина таъсир қилди. Шу боис, катта ўғлим Алижон савдо билан шуғулланиб кўрсаммикин деб, Бахтиёр Жайнаров деган йигитдан 40 минг сўм қарз олди. Аввалига яхшигина топиб-тутиб келиб турди. Лекин бир сафар Самарқандга бозорга борганда бор пулини олдириб қўйди. Бу орада қарзни қайтариш вақти ҳам келиб қолган эканми, Бахтиёр ҳақини қистай бошлади. "Имкон бўлганда, берармиз", десак ҳам кўнмади. Бизда эса яқин-атрофда қарзни тўлаш имкони йўқ эди. Буни билгач, Бахтиёр: "Пулни қайтиб бергунча менинг бир хонали уйимга сизнинг икки хонали уйингизни гаров сифатида алмаштириб турамиз", деб туриб олди. Биз кўнмадик. Лекин Бахтиёр дўқ уриб, "пулни проценти билан 135 минг қилиб берасан, бўлмаса ўғлингни бир кечада тинчитиб кетаман", деб ҳол-жонимизга қўймади.

Шундан кейин 1998 йил 4 январь куни Бахтиёрнинг тумандаги Акмал Икромов кўчасидаги 100-уй, 18-хонадонига мажбур кўчиб ўтдик. Уй бир хонали эди. Табиий, ўн бир жон бир хонали уйга сиғмадик. Икки катта ўғлим келинларим ва иккитадан фарзанди билан кўчада қолди. Бири умуман яшашга шароити бўлмаган биолаборатория биносида шу кунга қадар бошпана топиб яшаб келмоқда. Яна бири эса невараларим билан бирга қайнотасининг уйида.

Шу тариқа болаларим оиласининг ҳам тинчи бузилди. Шунинг учун бир ой ўтиб-ўтмасдан Бахтиёрнинг олдига бордим: "Менинг ҳозир 135 минг сўм пулим йўқ. Ҳозирча 40 мингини олгин-да, уйимизни қайтиб бер", дедим. Лекин у: "Мен 10 минг сўм бериб, уйни хусусийлаштириб олдим. Уй қонунан меники", деди. Кейин билсам, ҳақиқатан ҳам туман уй-жойни хусусийлаштириш бўлими бошлиғи З.Сандибоев бизнинг уй учун Бахтиёр Жайнаров номига янги ордер ёзиб берибди.

Мен шундан сўнг "Олтин водий" фуқаролар йиғини раиси Усмон Қўқоновга учрадим. Бироқ у киши дардимни эшитишни ҳам истамади. Мен ўз шахсий уйимни, ўз ҳақиқий ордерлари билан қайтариб беришларини сўраб кирмаган эшигим, хат ёзмаган идорам қолмади. Туман, вилоят, республика прокуратура органларига мурожаат қилдим. Иш судга ҳам чиқди. Аввалига туман, сўнгра вилоят, сўнгра республика Олий суди низони Ҳамза кўчасидаги 8-уй, 1-хонадон қонуний уйим эканлиги ва менга зудликда қайтариб берилиши кераклиги, биз эса ўз навбатида 135 минг сўм қарзни (аслида бу сумма 40 минг сўм эди. Аммо Б.Жайнаров туман фуқаролар йиғини раиси Жайнаров Соякул (акаси) ва нотариус билан бирга мажбурлаб, қўрқитиш йўли билан ўғлимдан "135 минг сўм қарзман" деган қоғоз ёздириб олишган) тўлашимиз кераклиги ҳақида қарор ва ажримлар чиқарилган. Бироқ ижрога келганда ҳамма иш тақа-тақ тўхтайди. Олий Суд, Адлия Вазирлиги номидан келган кўрсатмалар туманнинг суди раиси-ю, ижрочисига келганда ўз кучини йўқотаверди. Сабабини сўрасак, минг хил важ-карсон!

Ҳуллас, 11 болалик бева аёл бошим билан 2 йилдан буён сарсонман. Бу ёғига эса қиш яқинлаб қолаяпти. Шу ишни деб соғлигим ҳам ёмонлашиб қолди. Энди нима қилиш керак, кимга бориш керак? Ахир республикада чиқарилган қарорлар ҳам туман учун писанд бўлмаса? Бу шахслар учун яна қанақа қоғоз, қарор керак экан?

Бошимга тушган ташвиш шу. Илтимос, шу ишни юзага чиқаришда ёрдам беринглар. Ягона илинжим ҳам ўзи матбуотда қолди, шекилли. Ҳурмат ва ишонч билан,

**Назокатхон ЭГАМҚУЛОВА**
*Жиззах вилояти, Арнасой тумани*

